ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1994 йил, 12 апрель, сешанба № 47 (363) ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 12 апреля 1994 г. № 47 (363) ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О НЕОТЛОЖНЫХ МЕРАХ ПО УКРЕПЛЕНИЮ ДЕНЕЖНОГО ОБРАЩЕНИЯ И ПОВЫШЕНИЮ ПОКУПАТЕЛЬНОЙ СПОСОБНОСТИ СУМ-КУПОНА

В целях создания необходимых условий для устойчивого денежного обращения, повышения покупательной способности сум-купона и формирования золото-валютного резерва Центрального банка Кабинет Министров постановляет:

1. Запретить с 15 апреля т. г. хождение в денежном обращении и прием во все виды платежей юридическими и физическими лицами на всей территории Республики Узбекистан банкнот Банка России.

Разрешить торговым организациям и предприятиям, другим юридическим лицам, независимо от форм собственности, а также физическим лицам реализацию товаров и предоставление услуг за свободно конвертируемую валюту при обязательном наличии контрольно-кассовых аппаратов.

2. Министерству финансов, Государственному налоговому комитету Республики Узбекистан совместно с заинтересованными ведомствами и организациями в недельный срок внести в Кабинет Министров предложения о порядке торговли и оказания услуг, а также совершенствования налогообложения в соответствии с пунктом 1.

3. Установить, что по товарам, завезенным в Республику Узбекистан юридическими и физическими лицами, источники средств их приобретения декларированию не подлежат.

4. Установить, что с 15 апреля т. г. обменный курс сум-купона к иностранным валютам определяется в ходе регулярно проводимых торгов на Узбекской республиканской валютной бирже с учетом реально складывающейся конъюнктуры и паритета цен на внутреннем и внешнем рынках.

Госкомпрогнозстату совместно с Министерством финансов, Министерством внешних экономических связей Республики Узбекистан, Узоптиржеторгом, ассоциацией «Узбексавдо» создать на основе представительского перечня товаров автоматизированную систему учета цен на внутреннем, российском и среднеевропейском рынках для регулярного и объективного определения соотношений соответствующих валют.

5. Установить, что учет и налогообложение по операциям с иностранной валютой осуществляются предприятиями и организациями в соответствии с курсом Центрального банка, фиксируемым по результатам торгов на Узбекской республиканской валютной бирже.

Министерству финансов, Центральному банку, Государственному налоговому комитету Республики Узбекистан в месячный срок разработать и утвердить порядок бухгалтерского учета и отчетности предприятий по операциям с иностранными валютами, включая национальные валюты республик бывшего СССР.

6. Рекомендовать Центральному банку Республики Узбекистан:

обеспечить функционирование с 15 апреля т. г. постоянно действующей Узбекской республиканской валютной биржи;

совместно с уполномоченными банками, Министерством внутренних дел, Министерством связи, национальной авиакомпанией «Узбекистон хаво йуллари», Управлением Среднеазиатской железной дороги, национальной компанией «Узбектуризм» и другими ведомствами организовать сеть пунктов обмена валюты для населения с созданием всех необходимых условий для их функционирования.

Разрешить физическим лицам заниматься обменом валюты при наличии лицензии Центрального банка и соблюдении обязательных условий осуществления этой деятельности.

Центральному банку совместно с Министерством юстиции и Министерством финансов Республики Узбекистан в десятидневный срок утвердить положение о стимулировании юридических и физических лиц, занятых операциями по обмену валюты.

7. Министерству финансов совместно с Центральным банком Республики Узбекистан в 10-дневный срок внести предложения о продаже Центральному банку золота и других валютных ресурсов.

8. Отменить с 15 апреля 1994 года налог с выручки в иностранной валюте, уплачиваемый: в Республиканский валютный фонд по ставке 10 процентов; в соответствующие валютные фонды Республики Каракалпакстан, областей и г. Ташкента по ставке 5 процентов.

Признать утратившим силу постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 3 января 1994 года № 1.

9. Установить с 15 апреля 1994 года для всех предприятий, независимо от форм собственности, обязательную продажу Центральному банку Республики Узбекистан 30 процентов выручки в иностранной валюте, из которых 10 процентов выкупается Министерством финансов для направления в Республиканский валютный фонд, 5 процентов — Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и г. Ташкента для формирования местных валютных фондов.

10. Министерству финансов совместно с Центральным банком и Национальным банком в недельный срок разработать и утвердить порядок обязательной продажи валютной выручки Центральному банку от реализации продукции, в том числе по бартерным сделкам (работ, услуг), иных материальных ценностей и внереализационных операций в иностранной валюте.

11. Установить, что с 1 мая т. г. расчеты с хозяйствующими субъектами республик бывшего СССР осуществляются на клиринговой основе или в свободно конвертируемой валюте.

12. Центральному банку и Министерству финансов совместно с Министерством внешних экономических связей, Государственным налоговым комитетом, Национальным банком внешнеэкономической деятельности в двухнедельный срок разработать положение о валютном контроле, предусматривающее обеспечение надлежащего контроля за движением средств в иностранной валюте при осуществлении предприятиями экспортно-импортных операций и исключающее возможность несанкционированного хранения этих средств в банках за рубежом.

13. Обязать все предприятия и организации, независимо от форм собственности, открывшие субрасчетные счета в банках республик бывшего СССР, в обязательном порядке регулярно информировать соответствующие обслуживающие банки Республики Узбекистан о наличии и движении средств на указанных субсчетах.

14. Министерству финансов совместно с Государственным комитетом по управлению государственным имуществом и поддержки предпринимательства определить, с учетом утвержденной государственной программы по углублению процессов разгосударствления и приватизации в республике, сроки выпуска в обращение государственных ценных бумаг.

15. Ассоциации «Узэлпром» совместно с ассоциацией «Узбексавдо», Узбекбрляшу в двухнедельный срок разработать план мероприятий по поэтапному обеспечению к 1 января 1995 года торговых предприятий и организаций, независимо от форм собственности, кассовыми аппаратами согласно их заявкам.

Ассоциации «Узбексавдо», Узбекбрляшу совместно с Государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан в месячный срок разработать порядок осуществления торговли с использованием кассовых аппаратов.

Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и г. Ташкента, начиная с 1 января 1995 года, запретить регистрацию вновь создаваемых торговых предприятий и организаций, не имеющих кассовых аппаратов.

16. Возложить персональную ответственность на руководителей ведомств, концернов, корпораций, ассоциаций за выделение ассоциации «Узбексавдо» сырьевых ресурсов для организации завоза из-за рубежа товаров народного потребления.

17. Председателю Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимам областей и г. Ташкента на основе изыскания местных источников наращивания производства потребительских товаров и оказания платных услуг, мобилизации свободных денежных средств населения обеспечить сбалансирование платежеспособного спроса населения с товарными ресурсами и сокращение денежной эмиссии на подведомственной территории.

18. Министерствам и ведомствам привести нормативные акты в соответствие с настоящим постановлением.

19. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на заместителей премьер-министра Республики Узбекистан.

Председатель Кабинета Министров И. КАРИМОВ

г. Ташкент,
11 апреля 1994 г.



Хайрулло ҳарбий хизматини бошлаган илк кунларданоқ механик-ҳайдовчилик касбини пухта ўзлаштириб олишга астойдил киришди. Сурхондарёлик отаҳқалб ўғлон меҳнаткаш оилада тарбия топди. Ҳарбий хизмати давомида ҳам у ҳар қандай қийинчиликни меҳнат билан енгди. Унинг хизмати муносиб тақдирланди. Кичик командирлик даражасига кўтарилди. Ҳурмат-эътибор қозонди.

Суратда: Х. Ҳакназаров навбатдаги ҳайдов машқида инструкторлик килмоқда.

В. ЛЕШЧЕНКО суратга олган.

● ХАЛҚ ВА АРМИЯ ЯКДИЛ

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Халқимизда ана шундай ажойиб бир нақл бор. Она-Ватанимиз мустақилликка эришиб, ўз Қуролли Кучларимизга эга бўлишгач, бу мақолга, яъни тез маънода халқ билан армиянинг ядиллигига эришиш, қуролли ҳимоячиларимизни хизматга ҳамкорликда тайёрлаш ишларига катта аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбариятидан тортиб, қисм ва бўлинмалар командирларининг солдатлар ота-оналари, ҳокимликлар, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашуз, очиқ мулоқотлар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

Пойтахтнинг Собир Раҳимов, Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Акмал Икромов ва бошқа туманларида Мудофаа вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлик бошқармалари бошлиқлари ҳамда масъул ходимлари иштирокида бўлиб ўтган мулоқот-суҳбат йўсинидаги учрашувлар, ҳокимликлар, маҳаллалар қўмиталари, корхона, ташкилотлар билан ҳарбий қисм ва бўлинмалар ўртасида узвий оталиқ алоқаларининг ўрнатилаётганлиги фикримиз далилидир.

Ўтган шанба куни пойтахтдаги Яккасарой тумани ҳокимлиги биноси мажлислар залида туман ҳуқуқ-тартибот ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари, маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари, фахрийлар, солдатлар ота-оналари, чақириқчача ёшдаги ўсмирлар, мактаблар директорлари ва чақириқчача тайёрлов таълими ўқитувчиларининг Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари мутасаддилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, туман чақириқ комиссиясининг раиси Шуҳрат Акбаров ўзига хос йиғилиш-учрашувни очар экан, мамлакатимиз мавқеининг жаҳон миқёсида ортиб бораётганлиги, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда Қуролли Кучларимиз алоҳида муҳим аҳамият касб этиши ҳақида қисқача тўхталди. Сўнгра сўз олган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари, генерал-майор Р. Ҳалибоев жумладан шундай деди:

— Қуролли Кучларимиз зиммасига она-Ватанимиз мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимиз тинч-осойишталигини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган. Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби ўз жанговар, ижтимоий-сиёсий, техник ва жисмоний тайёргарлигини ошириб, бу вазифани шараф билан уддалаб келмоқда.

Аёнки, армия — жамиятнинг бир қисмидир. Унинг мудофаа қобилияти қуролли ҳимоячиларимизнинг қай даражада хизмат қилишига, ёшларнинг оила, мактаб ва маҳалладаги таълим-тарбиясига, ҳокимликлар ҳамда жойлардаги ўз-ўзини бошқарув органларининг бу борада олиб бораётган ишларига, боғлиқ.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, эл-юртга меҳр-муҳаббат, байналмилал дўстлик руҳида, соғлом, баркамол ва тарбиялашда маҳаллалар фаоллари, фахрийлар, мактаблар жамоаларининг соғлиғини сақлаш ва ҳуқуқ-тартибот ходимлари, ота-оналар, ҳокимликлар ёрдамига таянамиз. Бартамиз ҳамкорликда мана шу масъулиятли ишга ҳисса қўшсак жонажон Ўзбекистонимиз мудофаа қудрати яна-да мустаҳкамланиб бораверади.

Сўнгра сўзга чиққан Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник Ўткир Ҳасанов ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталди. «Бошлиқ» маҳалласининг оқсоқоли, уруш фахрийси Исроил Қурбонов эса йиғилганлар номидан учрашув ташкилотчиларига йиғилганлар номидан миннатдорчилик билдирди. «Ёшлар тарбиясига бўлган эътиборни яна-да кучайтирамиз, Қуролли Кучларимиз сафларига муносиб ўғлонлар етказиб бераверамиз», — деди.

Учрашув мобайнида йиғилганлар «Муқобил хизматга кимлар олинади?», «Лицейни тамомлаганлар хизматга чақирилалмми?», «Солдатларга ҳар ойда қанча пул берилади?» ва шу каби ҳарбийларимиз ҳаётига доир кўплаб саволлар билан мурожаат қилишди. Уларга Мудофаа вазирлигининг масъул ходимлари — генерал-майор Р. Ҳалибоев, полковник Р. Гараев, подполковник Х. Шолихўжаев, подполковник У. Абдувалиев, майор А. Абдурахмонов, майор Р. Пўлатовлар атрофлича жавоб бердилар.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, байналмилал дўстлик, она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашнинг катта ҳисса қўшиб келаётган Н. Қурбонов, В. Шишкина (туман фахрийлар кенгаши тиббий комиссияси раиси), С. Аюбов («Яккасарой» маҳалласи оқсоқоли), А. Кушина (туман ҳокимлиги ташкилий бўлимининг биринчи тонфали мутахассиси), Н. Собиров («Теча» маҳалласи оқсоқоли) каби бир гуруҳ фаоллар Мудофаа вазирлигининг Фахрий ёрдамчилари ва пул мукофотлари топширилди.

Капитан Х. ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● ВЕСТИ ИЗ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ

СНАРЯДЫ — В ЦЕЛЬ

Отличную огневую выучку продемонстрировали на тактических занятиях подчиненные старшего лейтенанта В. Мудрагина. Расчеты действовали слаженно, умело, вели меткий огонь по обнаруженным целям. Командир особо отметил расчет сержанта А. Махмудова. Все снаряды, выпущенные артиллеристами, легли прямо в цель.

ТЕХНИКА В УМЕЛЫХ РУКАХ

По сигналу «Сбор» первыми вывели свои машины из парка боевой техники рядовые Х. Рахманов и Н. Малышев. Успешно действовали воины и в дальнейшем, обеспечивая выполнение поставленной перед подразделением задачи. При подведении итогов командир подразделения объявил благодарность отличившимся воинам.

ПЕРЕДАЮТ ОПЫТ НОВИЧКАМ

Высокими показателями в боевой учебе отмечают каждый прожитый день сержант Н. Лигафеев и младший сержант В. Абдувалиев. Они на одну ступень повысили свою классность, стали мастерами боевой квалификации. Свой опыт передовики учебы настойчиво передают молодым воинам.

Прапорщик Ю. ДМИТРИЕВ.

ЧИТАЙТЕ В НОМЕРЕ:

1 ХАЛҚ ВА АРМИЯ ЯКДИЛ
2 КУРСАНТСКИЙ МЕРИДИАН
3 ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ИНТИЗОМ МАКТАБИ
4 СВЕТ И ТЕПЛО ОЧАГОВ КУЛЬТУРЫ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА — В РЕСПУБЛИКЕ

● Косонда 1-пахта тозалаш заводи жамоаси хитойлик саноатчилар билан биргаликда ғўзаполдан бинокорлик материали ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурмоқда.

● Қарши туманидаги «Мангит» жамоа ширкат хўжалигида Голландия — Исроил — Ўзбекистон мутахассислари ҳамкорликда чорвачилик мажмуи бунёд этмоқда. Бу ерга ўрнатиладиган асбоб-ускуналар Исроилдан олиб келинди.

● Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали ва драма театрида шоир, бастакор ва давлат арбоби, Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз таваллудининг 150 йиллигига бағишлаб «Феруз» спектакли қўйилди. Комил Аваз қаламига мансуб шеърий драмани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ибодулла Ниёзматов саҳналаштирди.

● Из Андижана в соседнюю Ошскую область Кыргызстана отправлена гуманитарная помощь для жителей районов, пострадавших от стихийных бедствий, — жилые вагончики и палатки, детская одежда и обувь, одеяла, постельные принадлежности.

● 8 апреля в Ташкенте состоялась третья сессия генеральной ассамблеи Национального олимпийского комитета Республики Узбекистан. Ее участники избрали президента НОК Узбекистана. Им стал председатель Госкомспорта республики С. Рузиев.

● На главной спортивной арене столицы Узбекистана — стадионе «Пахтакор» — 11 апреля состоялось торжественное открытие Ташкентского международного турнира по футболу.

Перед собравшимися выступил Премьер-министр Узбекистана, президент Национальной федерации футбола нашей республики А. Муталов. В церемонии открытия принял участие заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан, председатель оргкомитета по проведению международного турнира М. Карабаев, хоким Ташкента А. Фазылбеков.

В тот же день состоялись первые матчи турнира. Результаты встреч: Казахстан — Таджикистан — 1:0, Узбекистан — Туркменистан — 4:0.

ҲАМДУСТЛИКДА — В СОДРУЖЕСТВЕ

● Одесса жамоат ташкилотлари Қримда Украина Қуролли Кучлари сонининг кўпайтирилаётганлигидан ташвишда эканлигини билдиришди.

● БМТ Бош котиби Б. Гали Белоруссдаги уч кунлик сафари чоғида Олий кенгаш раиси М. Гриб, бош вазир В. Кебич ва Чернобиль ҳалокати бўйича комиссия раиси билан мулоқат олиб борди.

● Карелияда 17 апрель куни Президент сайлови ўтказилади. Бу лавозимга Олий Кенгаш раиси В. Степанов сайланиши тахмин қилинмоқда.

● В долг приходится служить многим российским летчикам, ракетчикам... По два месяца и больше не получают они денежное довольствие. Так, на начало апреля долг государства по зарплате личному составу Североморского соединения составляет 600 млн. рублей. Архангельскому объединению — 3 миллиарда... Жгучей проблемой стало и топливо. В истребительных авиаполках его запасы с трудом поддерживаются на уровне 30—50 процентов. Бывает, на квартал выделяют всего 5 процентов от потребного.

● Казахстан согласился участвовать в программе «Партнерство во имя мира», выдвинутой НАТО. Основная идея этой программы — дать возможность принять участие в военном планировании и учениях и поднять уровень доверия и безопасности в странах, не входящих в НАТО... Казахстан выступает за создание единого экономического пространства с участием бывших советских республик, в котором, «как это происходит в европейском сообществе, государства бы помогали друг другу, а наши во многом идентичные экономики сообща проводили бы реформы», заявил в Токио президент Казахстана Н. Назарбаев.

● Общественные организации Одессы выразили озабоченность увеличением численности вооруженных сил Украины в Крыму с 18 до 60 тысяч человек.

ЖАҲОНДА — В МИРЕ

● Шанхай вилоят суди Америка Қўшма Штатларидан металл олиб келаётган Россия юк кемасига рухсатсиз бандаргоҳга кирганлиги учун жарима солди.

«Чайна Дейли» газетасининг хабар беришича, жарималарнинг миқдори 40 минг юан (4 минг 600 доллар қилиб белгиланди.

● Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари вазифасига тайинланган Строуб Тэлботт ўзининг биринчи расмий ташрифини Ҳиндистондан бошлади.

Строуб Тэлботт Ҳиндистон раҳбарияти билан ўзаро манфаатли муносабатлар ва ядро муаммоси билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади деб, хабар беради «Вашингтон пост» газетаси.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, тожик қочқинлари ва ўз яшаш жойларидан мажбуран кўчган кишиларга фавқулодда ёрдам кўрсатиш учун 38 миллион доллар йиғишни сўради.

● БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, ҳозир Хитойда 200 мингга яқин етим бола бор.

Мажбуд етимларнинг 38 фоизини ота-оналар ажралишганларидан кейин кўчага ташлаб кетишган, 23 фоизи оилавий жанжаллардан қочиб уйдан кетиб қолган.

● 2—3 мая в Вашингтоне в отеле «Ренессанс» намечено провести конференцию «Развитие бизнеса в Средней Азии». Конференцию организует министерство торговли США. Для участия в ней приглашены представители Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана, Туркменистана, Узбекистана. В работе конференции примут участие послы Соединенных Штатов в этих государствах, торговые представители региона. Предполагается, что на конференцию приедут около 300 генеральных директоров американских фирм.

● Несмотря на то, что темпы экономического роста ФРГ в нынешнем году составят от 1 до 1,5 процента, в ряды безработных вольются, по прогнозам, еще 450 тысяч человек. Новое пополнение довелет численность официально зарегистрированных безработных в ФРГ в 1994 году примерно до 4 млн. человек, сообщил журналистам министр экономики Германии.

● В обмен на аннулирование контракта о поставках Ирану ракет с дальностью полета до 1.000 км, снабженных химическими или ядерными боеголовками, КНДР требует от Израиля возмещения убытков, оцениваемых ею в один млрд. долларов.

(По материалам печати, иностранных агентств).

КУРСАНТСКИЙ МЕРИДИАН

По просьбам наших читателей очередной выпуск «Курсантского меридиана» редакция газеты посвящает физической подготовке. Сегодня мы расскажем об опыте физического воспитания курсантов Ташкентского высшего общевойскового командного училища.

● НА ВОЕННЫХ КАФЕДРАХ

ВЫПУСКНИК ОБЯЗАН БЫТЬ РАЗРЯДНИКОМ

Для молодых Вооруженных Сил Республики Узбекистан сегодня требуются офицеры не только беззаветно преданные присяге и воинскому долгу, в совершенстве владеющие современной боевой техникой, но и хорошо закаленные физически, способные переносить значительные морально-психологические нагрузки. Совершенно очевидно, что пассивные, инертные, физически слабые военнослужащие не способны с высоким качеством выполнять возложенные на них служебные обязанности.

Руководить воинским коллективом, вести, если потребуется, подчиненных в бой под силу людям активным, инициативным, физически здоровым. С давних пор воин, солдат, офицер были у народа символом мужественного, физически крепкого человека. Еще великий сохибкиран Амир Темур особое внимание уделял физической выносливости своих победоносных воинов, их способности сутками не покидать седла, с ходу атаковать противника, преодолевать горные кряжи и стремительные реки. Словно вторя великому полководцу, знаменитый поэт древности Омар Хайям утверждал, что физические упражнения «делают сильными нервы и члены, смягчают суставы и делают их послушными, обостряют память, усиливают сердце».

В этой связи нельзя не сказать и о том, что наши далекие предки видели в физическом совершенстве не просто закаленное тело, но и средство для достижения духовной гармонии, посредством физических упражнений.

Практика показывает, что чем напряженнее становится боевая подготовка, тем большее значение приобретает физическая подготовленность воинов-узбекистанцев.

Современный общевойсковой бой требует разносторонней физической подготовки и большой выносливости. Насыщенность частей и подразделений нашей армии современной боевой техникой и оружием не снизила, а повысила требования к морально-психологическим и физическим качествам солдат и сержантов, прапорщиков и офицеров. Воины-узбекистанцы должны быть всегда готовы к преодолению больших физических нагрузок как в боевой обстановке, так и в мирное время.

Физические упражнения в ходе повседневной службы и боевой учебы являются мощным средством тренировки организма, в результате которой наряду с силой и ловкостью, быстротой вырабатывается такое ценнейшее качество, как способность преодолевать утомление, могущее возникнуть при сильных физических нагрузках. Выносливый военнослужащий легче переносит большие нагрузки при выполнении сложных учебно-боевых задач. Исходя из этого, и строит свою повседневную деятельность наша кафедра.

На утренней физической зарядке, в ходе плановых занятий, в часы спортивно-массовой работы преподавательский состав и командиры подразделений стремятся как можно эффективнее решать общие задачи физической подготовки курсантов, имеющие целью:

— развитие и постоянное совершенствование выносливости, силы, быстроты и ловкости;

— овладение навыками в передвижении по пересеченной местности в пешем порядке, умение преодолевать препятствия, достижение победы в рукопашном бою, преодоление водных преград в снаряжении;

— улучшение физического развития, укрепление здоровья и повышение устойчивости организма к воздействию неблагоприятных факторов военно-профессиональной деятельности.

В дополнение к перечисленному возникает и еще один немаловажный аспект: в условиях многопрофильного училища физическая подготовка способствует повышению военно-специальной подготовленности. Подытоживая сказанное, необходимо подчеркнуть, что вся система физической подготовки и спортивно-массовой работы в нашем училище строится в строгом соответствии с приказами Министра обороны и Наставлением по физической подготовке.

К слову сказать, военнослужащие училища активно защищают спортивную честь ТВОКУ на различных всеармейских соревнованиях. Хорошо известны имена мастера спорта международного класса по стрельбе прапорщика К. Сургучева, мастеров спорта прапорщика И. Хамраева — чемпиона Европы по греко-римской борьбе, капитана С. Туренко, подполковника С. Губа, прапорщиков А. Захарова, М. Сайфуллаева. Заслуженным авторитетом и уважением пользуется среди сослуживцев лучший спортивный организатор курсант А. Сомов, недавно выполнивший норматив первого спортивного разряда по офицерскому многоборью. Хороших результатов по физической подготовке добились курсанты А. Купреев, С. Ибрагимов, Р. Алимухамедов, А. Веневцев, Р. Абилов и А. Рахимов — чемпионы и призеры различных соревнований Вооруженных Сил республики.

Их успех, как и другие достижения спортсменов, есть результат настойчивых и систематических тренировок, эффективной и целенаправленной работы преподавательского состава кафедры, командиров рот и взводов. Это убедительно подтверждается и результатами спортивных состязаний, в ходе которых большинство курсантов подтвердили и повысили спортивные разряды. В училище действует десять спортивных секций, в которых занимаются несколько сот курсантов. Офицеры кафедры добиваются, чтобы каждый наш выпускник стал спортсменом-разрядником по военно-прикладным видам спорта. С этой целью практически во всех ротах созданы спортивные уголки, постоянно совершенствуется учебно-материальная база. Много сил и внимания этому уделяют офицеры Р. Багиров, Б. Азимов, Б. Олейник и многие другие.

Подполковник В. РЫБАЛЬЧЕНКО, начальник кафедры физической подготовки и спорта, мастер спорта по военному многоборью.

● ДИҚҚАТ — ТАЖРИБА!

ЮТУҚЛАР НЕГИЗИ

Капитан Баҳодир Азимов қўл остидаги курсантлар бўлинмаси Тошкент умумқўшин командирлари олий ҳарбий билим юрти жамоаларя орасида жисмоний тайёргарлик бўйича карвонбошилик қилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган синов машғулотларида ҳам командир ўгитларини пухта амалга ошираётган курсантлар жисмонан баркамолликларини тўла намоён эта билдилар.

Хўш, мазкур рота муваффақиятларининг омиллари нималардан иборат? Шу ўринда курсантларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича олиб борилаётган тадбирлар усул ва услубларида маълум бир устиворлик борми? Мухбиримиз капитан Б. Азимов билан ана шулар ҳақида суҳбатлашди.

— Умуман айтганда, ютуқларимизга туртки бўлаётган ҳеч қандай ғайритабиий сир мавжуд эмас. Маълумки, жисмоний баркамоллик ҳарбий тарбия тизимининг асосий қисмини ташкил этади. Бақувват ва чақкон офицерларгина ўз қўл остидагиларга ҳарб илми бобида пухта билим бермоғи, ҳар қандай шароитда ҳам шахсан ўрнак кўрсата олмоғи, шахсий таркибга командирлик қилиш учун маънавий жиҳатдан ҳам тўла ҳуқуққа эга бўлмоғи мумкин. Шу туфайли юксак жисмоний тайёргарлик келажакдаги унумли хизмат учун муҳим гаров эканлигини ҳар бир курсант онгига сингдира бораяпмиз.

Ҳозир ҳарбий қисм ва бўлинмалар сафларига келиб қўшилаётган солдатлар орасида жисмоний тайёргарлиги заиф ёшлар ҳам учраб турганлиги сир эмас, албатта. Энди тасаввур қилинг, турникда ҳатто бир бора тортила олмайдиган офицер солдатларга нимани ўргатади? Қайси бир жисмоний «маҳоратини» ўрнак қилиб кўрсатади? Бундай офицер (бошқа кўрсаткичлар бўйича мукаммал малака олган бўлса-да) қўл остидагиларга командирлик қилишга маънан ҳуқуққа эга бўла оладими? Албатта, йўқ!

Умуман, билим юртимизнинг барча офицеру сержантлари Мудофаа вазирлигининг тегишли буйруқларига, жисмоний тайёргарлик бўйича кўрсатмаларига қатъий ва оғишмай амал қилган ҳолда ўқув режаларини тузиб, мунтазам юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқдалар.

— Сиз ўқув-тарбиявий жараёнда муҳим негиз ҳисобланган маънавий таъсир ҳақида тўхталдингиз. Шу ўринда, командирнинг шахсий ўрнаги масаласидаги фикрларингиз...

— Командирнинг шахсий ўрнаги курсантлар учун ўзига хос таянч нуқтасидир. (Капитан Баҳодир Азимовнинг ўзи ҳам моҳир спортчи, тош кўтариш спорт тури бўйича биринчи разрядга эга). Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, командир қаерда бўлмасин: хоҳ спорт майдонида, хоҳ кросс югуриш йўлакчасидаги машғулотларда бўлсин, ҳамиша қўл остидагилардан яхшироқ ва тезроқ, пухтароқ ва мукаммалроқ натижа кўрсатиши лозим. Командир ана шуни амалга оширсагина қўл остидагилари ундан ўрнак олиб, янада яхши кўрсаткич томон интиладилар.

— Жисмоний тайёргарликнинг умумий жанговар ўқув тайёргарлик билан узвийлиги борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилган?

— Жисмоний тайёргарлик машғулотлари барча ўқув тизими билан бир бутунликда олиб борилади. Эрталабки бадан тарбиядан бошланадиган жисмоний машғулотларимизнинг барчаси ягона мақсад — курсантларнинг юксак ирода эгалари бўлиб вояга етишишларига қаратилган. Чунончи, эрталабки бадан тарбия машғулотлари бўйича тажрибамиз хусусида атрофлича тўхталиб ўтсам.

Маълумки, ташкилий жиҳатдан пухта ўтказилган эрталабки бадан тарбия машғулоти ҳарбий хизматчилар организмининг мукаммал чиниқишига муҳим ўрин тутади. Шунинг учун йилнинг ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам у фақат очиқ майдонда ўтказилиши даркор. Бўлинмамизнинг пухта тайёргарликдан ўтган сержантлари — взвод командирининг ўринбосари Ш. Иброҳимов, взвод бўлинмаси командири Ф. Ҳамроев ва бошқалар бир неча йўналиш бўйича машғулот ўтказадилар.

Жисмоний машғулотларнинг ойлик режасини аввалдан тузиб чиқамиз. Қайси взводнинг қайси кун, қайси йўналиш бўйича машғулот ўтказиши аниқ белгиланади. Уни ўтказиш майдонлари аниқланиб, у ҳар бир взводга бириктирилади. Машғулот раҳбарлари кўргазмали ва методик ўқув соатларида пухта тайёргарликдан ўтказиладилар. Ана шуларнинг жамламаси, эрталабки жисмоний тарбия машқларининг серунум ўтишига кафолот бўлади. Худди, шунингдек, режадаги машғулотлар, оммавий-спорт тадбирларига ҳам ана шундай пухта тайёргарлик кўрилади, албатта.

— Жисмоний тарбия жараёнида курсантлар билан якка тартибда иш олиб бориш ҳам ютуқлар ўзагини ташкил этса керак?

— Албатта, ҳар бир курсант билан якка тартибда шуғулланмаслик катта хато бўлур эди. Офицер командир, баъзи бир курсантларнинг жисмонан етук, баъзиларининг эса тайёргарлиги суст эканлигига диққат-эътиборини қаратмоғи шарт. Яхши натижага эришган курсант қолоқ курсантни ўз оталиғига олмоғи лозим. Масалан, ротамизда курсант В. Артюшков курсант И. Васильевга, курсант Ш. Қўзиев курсант Л. Раҳимовга, курсант Р. Гарифуллин, курсант А. Ражаббоевга имкон даражада кўмаклашмоқдалар.

Маълум бир жисмоний машқни қониқарсиз бажарган курсантлар учун қўшимча машғулотлар белгиланади. Ротамиздаги спорт жиҳозлари билан тўла хона ҳеч қачон бўшамайди, десам муболаға бўлмас. Курсантлар ҳар бир бўш онларидан фойдаланиб, у ёки бу гимнастик машқлар билан банд бўладилар. Бу эса қолоқ курсантларни ҳам ўз хоҳишича спорт билан шуғулланишга даъват этади. Улар учун махсус дастур тузилиб, қобилият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний машғулот ўтказилади. Бунда жисмоний тарбия ва спорт кафедраси бизга катта ёрдам кўрсатаяпти.

— Қўл остингиздагилар орасида турли мусобақаларда Қуролли Кучларимиз шарафини ҳимоя қилаётган ажойиб спорт усталари ҳам бор. Номларини зикр қилиб ўтсангиз...

— Сержантларимиз — С. Иброҳимов ва Р. Алимуҳамедов тош кўтариш спорт тури бўйича Қуролли Кучларимиз чемпионидирлар. Курсант Л. Веневцев эса спортнинг шу тури бўйича юқори ўринлар олишга мушарраф бўлган. Курсант И. Литвиненко — волейбол бўйича Республика ўсмирлар терма жамоасининг аъзоси. Кичик сержант Ф. Ҳамроев бокс бўйича спорт усталиги номзоди. Шунингдек, курсант Л. Шкарпетин кўпкураш бўйича, кичик сержант А. Ражапов эса қўл кураши бўйича (инструктор) спорт усталигига номзоддирлар. Мамнуният билан таъкидлайманки, булар менинг энг ишончли ва етакчи кўмакчиларимдир.

Капитан И. БИРЮКОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● СУЗ ТОШКЕНТ УМУМҚЎШИН КОМАНДИРЛАРИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ КУРСАНТЛАРИГА

КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

Тошкент умумқўшин командирлари олий ҳарбий билим юртига ўқишга киргунимга қадар, қўл остидагиларни зафарлар сари бошловчи, ғалабага илҳомлантирувчи командирлар шахсий намунаси ҳақида китоблар, кинофильмлар орқалигина билардим. Билим юртида жисмоний тайёргарлик мисолида бунинг ҳақиқат эканлигига бевосита амин бўлдим.

Ротамиз командири, капитан Баҳодир Азимов аълочи спортчи бўлгани ҳолда, ўзининг шахсий намунаси орқали бизда — иккинчи курс курсантларида ҳам спорт билан ҳар куни шуғулланишга, жисмоний билимларимизни такомиллаштириб боришга катта қизиқиш уйғотди. Жисмоний тайёргарлик машғулотлари, ёки спорт-оммавий ишлар соатлари бўлсин, у доимо сафбошидир. Бизнинг унга ҳавасимиз келади, командиримизга ўхшашга ҳаракат қиламиз.

Қомандиримиз шахсий намуна кўрсатиш билангина кифояланиб қолмай, қўл остидагилар ўртасида спортни оммалаштириш борасида ҳам кўплаб конкрет ишларни амалга оширди. Масалан, асосан унинг саъй-ҳаракати туфайли ётоқхонамизда ажойиб спортбурчак жиҳозланди. Ротамиз курсантларининг аксарияти ўқишдан бўш вақтининг деярли барчасини айнан мана шу ерда ўтказишади.

Яна шуни айтишни истардимки, спортга ҳавасим ортишида менга командирларим катта ёрдам беришди. Улардаги спортга бўлган иштиёқ мени ҳам жисмоний тайёргарлик билан жиддий шуғулланишга, юксак марраларга эришишга илҳомлантирмоқда.

Курсант А. САРМАНҚУЛОВ.

ДАСТЛАБ ҚИЙИН БЎЛГАНДИ

Биринчи маротаба тўла асбоб-анжомлар, билан узоқ масофага югурганимизни ҳали кўп эслаб юрсам керак (бир умрга хотирамга муҳрланиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас). Ящиришнинг ҳожати йўқ, ўрганмаган одам учун қурол-аслаҳа ва юк халтани орқалаб (елкага олиб), 6 километр жойга чопишнинг ўзи бўлмас экан.

Гўё манзилнинг ниҳояси йўқдай сезилганди, ўшанда. Шунча масофага чопишдан тащқари, қатъий белгиланган вақтда етиб келишни айтмайсизми. Ҳар қанча қийин бўлса-да, ҳаракат қилдим, охиргилар қаторига тушмай, марра чизиғини забт этдим.

Ушбу машғулот мени ўзўзимга бошқача кўз билан қарашга мажбур этди. Бошқа фанларни, дейлик, даладаўқув машғулотларини ёки техникани яхши билган билан жисмоний тайёргарлик бўйича «оқсасанг» жанговар ўқувда юқори натижаларни кўлга киритиш ҳақида ўйлаб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ эканлигини тўла англаб етдим. Ўзбекистоннинг бугунги офицерида юксак касб маҳорати ва аъло жисмоний тайёргарлик мужассамланган бўлиши керак.

Ушандан бери орадан қарийб икки йил ўтди. Шу вақт ичида жисмоний жиҳатдан бақувватлашдим, спорт бўйича яхши натижаларга эришадиган бўлдим. Табиийки, бу ютуқлар ўзўзидан қўлга киритилгани йўқ. Жисмоний тайёргарлик машғулотларида бор имкониятимдан фойдаланиб, барча машқларни тўлақонли бажаришга ҳаракат қилдим.

Кези келганда айтиш ўринлики, бўлинмамизда яхши жиҳозланган спорт бурчаги бор. Бўш вақтимни мен асосан ана шу ерда ўтказаман. Спорт билан мунтазам шуғулланганлигим туфайли, жисмоний чиниқишга катта эътибор берганлигим учун ҳам кучимга куч қўшилди. Бу эса бўлғуси командир учун жуда муҳим омилдир.

Жисмоний тайёргарлик аҳамиятини чуқур тушуниб етмаган ўзбекистонлик жангчиларга маслаҳат беришни истардимки, аъло жисмоний тайёргарликка эга бўлмай туриб, жанговар-ўқув вазифаларини сифатли бажариш мумкин эмас. Кучли ва эпчил ҳарбий хизматчигина жангда ғалабага эришади.

Курсант А. ТУРДИЕВ.

● ДЛЯ БОЯ, ДЛЯ ПОБЕДЫ

СИЛА, ЛОВКОСТЬ И АЗАРТ





Плановое комплексное занятие по физической подготовке в подразделении курсантов, где служит заместитель командира взвода сержант С. Ибрагимов, началось как обычно. Руководитель занятия старший преподаватель кафедры физической подготовки и спорта майор И. Крамарчук объявил тему занятия, учебные вопросы и провел краткий инструктаж по мерам безопасности при предстоящем выполнении различных упражнений на спортивных снарядах.

И вот звучат команды «Становись!», «Бегом марш!» Наступило время небольшой пробежки и легкой разминки. Это необходимо для того, чтобы организм разогрелся, как бы настроился на большие физические нагрузки. Мы не случайно обратили внимание наших читателей на эту деталь, ведь все занятия по физической подготовке в этом подразделении проводятся с высокой степенью интенсивности. И делается это для того, чтобы обучаемые качественно усвоили порядок выполнения очередного упражнения, приобрели способность правильно его выполнять как можно большее количество раз и в быстром темпе.

Между тем курсанты, закончив пробежку, приступили к выполнению общеразвивающих и специальных упражнений, тем самым активно подготовились к основной части занятия.

Четкость и слаженность отличали действия сослуживцев сержанта Ибрагимова при выполнении ими первого и второго комплексов вольных упражнений. Как одна, резко вздымались вверх руки, красив и монолитен был одновременный поворот тренированных курсантов, быстро и ловко выполняли они приемы рукопашного боя. Современный офицер-узбекистанец должен уметь защищать себя в экстремальных ситуациях и научить этому своих будущих подчиненных. Курсанты хорошо это понимают, потому и действуют с полной отдачей. Можно сказать, легко и азартно отрабатывали они все элементы приемов.

Но вот пролетело время, отведенное на подготовительную часть. Курсанты под руководством опытного методиста майора Крамарчука приступили к выполнению общеразвивающих и специальных упражнений, составляющих содержание основной части занятия.

Как уже упоминалось выше, занятие было комплексным. Упражнения выполнялись всем подразделением одновременно, курсанты часто меняли их виды, поэтому нагрузка распределялась на весь организм одновременно, что позволяло эффективно совершенствовать выносливость курсантов. Занятие проходило динамично, в ходе его достигались высокая точность и большая физическая нагрузка.

Разделив обучаемых по отделениям, майор Крамарчук каждому определил учебные места с последующей сменой. Отделение во главе с младшим сержантом Ш. Каюмовым занималось на многопролетных брусьях. Курсанты под счет выполняли отжимание и подтягивание, что способствовало укреплению мышц брюшного пресса. Второе отделение в это время отрабатывало упражнение на многопролетной перекладине. Разбившись на пары, обучаемые помогали друг другу правильно выполнять сложные движения. А курсанты третьего отделения потоком преодолевали полосу препятствий по этапам, от снаряда к снаряду. Следует подчеркнуть, что данная учебная точка имеет особо важное значение, ведь современный общевойсковой бой характеризуется скоротечностью, быстрой сменой обстановки, в том числе и в городских условиях.



Разнообразие упражнений, скоротечность их выполнения заставляли курсантов действовать предельно внимательно и собранно.

Быстро прошли отведенные два часа занятия, по окончании которого майор И. Крамарчук сделал краткий разбор действий каждого курсанта, сержанта, отметил отличившихся, указал на недостатки.

На снимках: **подтягивание на многопролетной перекладине** (слева вверху); **отделение младшего сержанта Ш. Каюмова на многопролетных брусьях** (слева внизу); **отработка приемов рукопашного боя** (справа вверху) — **на переднем плане сержант С. Ибрагимов; на полосе препятствий — курсант О. Кенжаев.**

Капитан И. БИРЮКОВ, корр. «Ватанпарвара». Фото А. МАНТРОВА.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ—ИНТИЗОМ МАКТАБИ

● ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

БИР УМРЛИК ДОҒ

Кўриб чиқилган ҳарбий жиноятлар ҳақидаги жиноий ишларнинг суд амалиётидаги таҳлили шундан далолат бермоқда-ки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларида низом талабларига амал қилиш, интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Зеро, қайд этилган жиноятларнинг жами сони озайди, ўғрилик ва ёвуз ниятларга боғлиқ жиноятлар ҳам камаймоқда. Айрим бошқа турдаги жиноятлар эса онда-сонда рўй бераётир.

Содир этилаётган жиноятлар орасида муддатли хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчилар томонидан қисмларни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳоллари учраб турибди. Жиноий ишларнинг материалларига кўра, бунга сабаб армиядаги хизматнинг қандайдир бир алоҳида ноқулай шароитлари ёки қисм командирларининг айби эмас, балки шахсий, оилавий, маиший сабаблар рўкач қилинмоқда. Жумладан, қисмларни ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлиги учун судланганларнинг 30 фоизи ота-оналари, қариндош-уруғларини соғинганликларини айтишса, 19 фоизи моддий қийинчиликлар туфайли ота-оналарига ёрдам берганликларини, атиги 9 фоизи хизматдан дўстлари билан жанжаллашгач, қисмларни тарк этганликларини таъкидладилар. Кўпинча текширув жараёнида уларнинг баҳоналари исботсиз қолмоқда. Бу Қуролли Кучлар сафларида Низомга зид ўзаро муносабатларга тўлақонли чек қўйилди, деган гап эмас, албатта. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти шу каби ўзаро ёмон муносабатларни барҳам топтириш бўйича режали ва аниқ ишлар олиб бормоқда. Аммо шундай бўлсада, бундай самарали ишлар барча ҳарбий бўлинмаларда ҳам олиб бориляпти деб бўлмайди. Минг афсуски, бу ишда қисмлар, штаблар командирлари, шахсий таркиб билан ишлаш бўйича офицерларнинг олиб бораётган тадбирлари кифоя эмас.

Ҳарбий интизомда юқори даражага эришиш учун қандайдир бир янгилик киритишга ҳожат йўқ. Бунинг учун Мудофаа вазирлигининг бўйруқ ва кўрсатмаларини қатъий, аниқ ва бажонидил бажариш керак холос. Қонунга зид муносабатларнинг айримлари командирларнинг ўзлари низом ва кўрсатмаларга ва уларнинг талабларига бефарқ қарашларидан келиб чиқади. Шу боис бундай камчиликлар бор жойларда Мудофаа вазирлиги томонидан тонифадаги командирларга жиддий чоралар кўрилади. Ўз-ўзидан равшанки, ушбу муносабатларда ҳам ҳарбий қисмларда шу куннинг талабларига мос келадиган интизомни мустаҳкамлаш ва тартиб-интизомни сақлаш бўйича ишнинг янги усул ва методларини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мустақилликка эришилиши, истиқлолимизнинг қўлга киритилиши ёш авлоднинг ақл-заковатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳозир ҳарбий хизматчиларда қонун нормаларига ҳурмат ҳамда қонунга итоат қилиш туйғусини уйғотиш мақсадида мудофаа ишлари бўйича бошқармаларга, ҳокимликлар, командирлар, штаблар, шахсий таркиб билан ишлаш бўйича офицерларнинг ва ҳуқуқ-тартибот органларининг вакиллари зиммасига муҳим вазифалар юклатилган. Ҳар бир фуқарода шу каби сифатларни шакллантирмай туриб, фақат жазолаш тадбирлари орқали лозим ҳуқуқий тартибни ўрнатиб бўлмайди. Ахир тарих ва кундалик турмушимиздан зўрлаш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини, ҳатто қаттиққўллик ҳам инсонларга ижобий фойда келтирмаслигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳуқуқ фани қонун ҳеч кимни зўрламаслиги ва унинг кучи қаттиққўлликда эмаслигини уқтиради.

Одамларни қонунбузарлик ва жиноятдан бошқа факторлар — мажбурлик ва масъулият, қонун нормаларидан четга чиққанлик учун жазолаш мумкинлик тушунчаси асраб туриши лозим. Худди шуни биз ёшларга ва ҳарбий хизматчиларга тушунтирмоғимиз даркор.

Самарқанд гарнизони ҳарбий судининг раиси, адлия капитани Ражабов Давлат Усмонович таълим-тарбия соҳасида ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бормоқда. Тошкент гарнизони ҳарбий судьяси Шоюнус Ғозиев, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий судьяси, адлия майори Асқарали Ҳамидов, адлия капитани Жабборов Нормурод Қўшақовичлар жиноий ишларни кўриш жараёнида диққат-эътибор билан ҳуқуқий билимларини ишга солмоқдалар. Ҳарбий судларнинг бир маромдаги фаолиятини таъминлаш ишида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди раисининг ўринбосари, адлия майори Никитин Александр Борисовичнинг хизматлари чексиз. У — афғон урушининг иштирокчиси, юқори малакали, чинакам офицерлардан.

Ўзбекистонимиз аскарларига она-Ватанга астойдил хизмат қилишларини ишонч ва катта умид билан тилагим келади. Ҳар бир ёш йигит армия ҳаётидаги қийинчиликлардан қўрқмаган ҳолда уни чидам билан енгиб ўтиши, хизматдош дўстларига ака-укаларча муносабатда бўлиши, командирларининг талабларини аниқ ва ўз вақтида бажариши, ўзида мустаҳкам ирода, қатъиятлилик ва фидокорлиги мардонаворликни шакллантириши даркор. Токи улар ҳеч қачон ва бир дақиқа ҳам ўзларини Ватаннинг қуролли посбонлари эканликларини унутмасинлар. Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш билан ҳар ким ўзини ҳақиқий йигит эканликларини кўрсатишлари лозим. Акс ҳолда бирозгина енгилтаклик, қўрқоқлик ва ёшлик қилиш орқали ўзларида бир умрлик доғ қолдиришлари мумкин.

Қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган айрим солдатларнинг ота-оналари фарзандларини шахсан ўзлари қисмга қайта олиб келишиб, унинг хизматни давом эттиришини қатъий талаб этган манзараларни кўп бор гувоҳи бўлганман. Шундай рақамлар ҳам борки, баъзи ота-оналар ҳарбий хизматдан бош тортган фарзанди тутган йўлини маъқуллаш билан бирга уларга эрк бермоқдалар. Ана шундай ота-оналардан: «Улар тарбиялаётган зурриёди армия ҳаётидаги дастлабки арзимас қийинчиликларга бардош бера олмай қочишга уринаётган экан, бозор иқтисодиёти шароитидаги тошқин дарё каби чексиз қийинчиликлардан иборат шахсий ҳаётини қай ҳолатда кечира оларкан?» — деб сўрагим келади. Қаранг, ўша ота-оналар ўз фарзандларини қайси йўлга бошламоқдалар?!

Ота-оналар ўз фарзанди хизмат қилаётган ҳарбий бўлима командирлари билан узвий боғланишлари, хизмат шароитлари билан яқиндан танишишлари, айниқса, уни хизматининг биринчи ҳафта ва ойларида қўллаб-қувватлашлари, тўғридан-тўғри командир ва бошлиқлари билан биргаликда фарзандига ҳарбий хизматнинг дастлабки энг қийин даврида ёрдам беришлари мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси сарҳадларини ҳимоя қилиш ҳаммамизнинг — барча фуқаролар ва ҳамма оиладларнинг шарафли бурчидир.

Н. НОРПЎЛАТОВ,
адлия полковники.

● ҲУҚУҚШУНОС МИНБАРИ

ҚОНУН ҲАММА НАРСАДАН УСТИВОР

Ота-боболаримизнинг кўп йиллардан бери орзиқиб кутган дамлари, қолаверса, ўзимизнинг ҳам ичимизда бўлган ягона дард — Мустақилликка эришишдек катта бахтни Сиз ва бизлар ҳамда келажак авлодларимиз 1991 йилнинг 31 августида қўлга киритдик.

Ушбу кун Республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ниҳоятда оламшумул тарихий воқеа юз берди: Республика Олий Кенгашида — Ўзбекистон давлати Мустақиллиги тантанали равишда эълон қилинди ва тарих варақларига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Бугун бизлар — Темурийлар авлоди ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган кунларда яшаётганимиздан, Мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлганимиздан фахрлансак арзийди.

Халқимиз Истиқлолни ҳақли равишда зукко ва доно Президентимиз номи билан боғлайди. Президентимизнинг етмиш йилдан кўпроқ ҳукм сурган мустабид тузум илдизига болта уриш, халқни буюк мақсад — мустақил давлат яратиш учун жипслаштириш борасида амалга оширган ишларини барчамиз яхши биламиз.

Нафақат биз, балки дунёда ҳеч бир миллат, элат йўқки, мустақил давлат бўлиб яшашни орзу қилмаса. Мустақиллик — ҳурлик, эркинлик, бойлик, бахтли бўлиш, ўзига бек бўлиш, ўзи қилган меҳнатнинг роҳатини кўриш, тенглар ичра тенг бўлишдир.

Сиз билан биз шу она-заминда туғилдик ва улғайдик. Киндик қонимиз ҳам шу она тупроққа тўкилган. Бизларга бундан ортиқ азиз замин, азиз Ватан йўқ!

Ватанни севмоқ иймондандир, деган машҳур ҳикматга амал қилиб яшамоғимиз, Ватан манфаати ва равнақи учун сидқидилдан меҳнат қилмоғимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан сақламоғимиз — ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ватанни Она билан бежиз тенглаштирмайдилар. Демак, онамизни қанчалик севсак, Ватанимизни ҳам шунчалик севишга ўрганмоғимиз, мустақиллигимизнинг туб моҳиятини билмоғимиз, унинг ютуқлари бизнинг иқболимиз эканлигини ҳис қила билишимиз даркор.

Мустақилликни, юртбошимиз: «Мен жуда содда тушунаман. Унинг маъноси жуда оддий. Мустақиллик дегани шуки, бизлар асрлар оша бировларнинг оғзига қараб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдиримизни, ҳаётимизни, келажагимизни ўз қўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа — шу буюк неъматни қайта қўлдан бермаслик», — деб баҳолаганлар.

Бу гаплар мазмунини ва ҳукуматимиз раҳбарлари томонидан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни юксалтириш, халқимиз турмушини яхшилаш, осойишталигини таъминлаш, буюк давлат қуриш борасида амалга ошираётган сермашаққат ишларини барча ёшлар, айниқса Ўзбекистон Қуролли Кучларида хизмат қилаётган укаларимиз жуда яхши билишларини истар эдим.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг куч-қудратини бутун дунёга ёйишингиз, ҳарбий техника сирларини қунт билан ўрганишингиз, жисмоний тайёргарлигингизни кундан-кунга ошириб боришингиз, билимдон ва зукко бўлишингиз керак. Ана шунда кўп қийинчиликлар билан қўлга киритилган мустақиллигимиз доим қўлда сақлаб турилади, халқимиз орзу-ниятлари амалга ошади.

Жаҳон андозаларини ўзида мужассамлаган Конституциямизнинг 52 моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлиги, фуқароларни қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурлиги кўрсатилган.

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». Айниқса, Қуролли Кучларни тартиб-интизомсиз тасаввур қилиш қийин.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ва унга бўйсунувчи прокуратура идораларининг ягона мақсади — оддий фуқаролар ёки ҳарбий хизматчилар бўлсин, ким бўлишидан қатъи назар қонунни ҳурмат қилиши ва унга итоат этишга мажбур эканлигини, ҳеч кимнинг қонун талабларини бузишга ҳаққи йўқлигини, акс ҳолда жавобгарликка тортилишини тушунтиришдан иборатдир.

М. ТОШТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлим прокурори.

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ!

Самарқанд гарнизони ҳарбий прокуратураси Республикамиз ҳукумати томонидан чиқарилган қонунлар асосида иш юритиб, қисм ва бўлинмаларда Низом қоидаларининг бузилишига қарши тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Ўз йигитлик бурчларини аъло даражада бажараётган солдатлар билан бир қаторда, афсуски, хизматга совуққонлик билан қараётган йигитлар ҳам учраб туради.

Жумладан, ҳарбий хизматчилар ўртасида ишдан жойларини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, нонизомий муносабатларга йўл қўйиш ҳоллари кузатилади. Булар — асосан ҳарбий хизматчиларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан хизматга яхши тайёрланмаганликлари оқибатида юзага келмоқда.

Масалан, оддий аскар Пўлатов Улуғбек Баратович 1992 йилнинг июнь ойида хизматга чақирилиб, ўз хизматини ўтаётган пайтда ҳарбий қисм ҳудудини бир неча маротаба ҳеч қандай узрли сабабсиз ташлаб кетган. Тергов давомида аниқланишича, Пўлатов ҳарбий қисм ҳудудини ўзбошимчалик билан ташлаб чиқиб, ота-онаси яшайдиган жойда юрган.

1993 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган ҳарбий суд ҳукмига асосан Пўлатов 3 (уч) йилга интизомий батальонга юборилди. Шунингдек, оддий аскарлар — Халилов Давронбек Мамаюсупович, Ғафуров Дилмуродлар ҳам қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетганликлари учун турли хил жазоларга тортилдилар.

Кичик сержант Бегматов ҳамда Раҳимбоев ва Капуриновлар эса Низом талабларига хилоф иш тутиб, ўз қўл остидагиларга нисбатан ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар. Гарнизон ҳарбий суди томонидан Бегматов — 2 (икки) йилга, Капуричов — 1.5 (бир ярим) йилга, Раҳимбоев — 2 (икки) йилга интизомий батальонга юборилди.

Юқорида кўрсатилган фактларга ўхшаш жиноий хатти-ҳаракатларга қатъиян чек қўйилиши зарур. Бунинг учун ҳарбий хизматга чақирилувчиларни мактаб даврида маънавий ва жисмоний жиҳатдан ҳарбий хизматга тайёрлаш, мазкур ишни амалга оширишга кенг жамоатчилик, мактаб ўқитувчилари ҳамда ота-оналар эътиборларини жалб қилиш керак.

Ш. УЗОҚОВ,
Самарқанд гарнизони ҳарбий прокурори, адлия майори.

● ИЗ ЗАЛА ВОЕННОГО СУДА

ЗАКОН СТРОГ, НО СПРАВЕДЛИВ

В подразделении, где служит капитан Ф. Шарафутдинов, состоялось открытое выездное заседание военного суда Ташкентского гарнизона. Подсудимый рядовой Баходир Тухтасинов почти пять месяцев находился в самовольной отлучке...

Собравшиеся в зале солдатского клуба сослуживцы рядового Б. Тухтасинова с интересом разглядывали сидевшего на скамье подсудимых хорошо одетого плечистого парня. Мало кто раньше видел его: ведь он покинул часть, практически не прослужив в ней и месяца. А вот его имя и фамилия были у всех на слуху. Именно за него ходили воины подразделения в наряды, за него несли службу, за него действовали на занятиях и учениях, выполняли учебно-боевые задачи.

А чем занимался в это время Баходир? Он так и не рискнул вернуться домой, в родную Ферганскую область. Слез с поезда и начал бездомную, неприкаянную жизнь. Ночевал у земляков-студентов, а когда находил временную работу — у нанимателя. Околачивался при рынках, базарах, перебиваясь случайными заработками.

Знал ли рядовой Б. Тухтасинов о том, что совершает преступление, уклоняясь от выполнения воинского долга? Председатель военного суда Ташкентского гарнизона майор юстиции Азамат Ибрагимов, который вел заседание, этот вопрос задал в числе первых. Оставим на совести Баходира его уверения, что он не ведал о законе, слова о том, что никто и никогда не предупреждал его об ответственности за самовольное оставление части. Командиры и начальники Тухтасинова могут предъявить не одну его объяснительную записку на случаю его очередной самоволки, как и расписку об ознакомлении личного состава подразделения с соответствующими статьями уставов и законов.

Остановимся на другом аспекте его преступления. И судья, и адвокат Гульсара Алтынбекова, и представитель обвинения капитан юстиции Р. Уразаев в ходе судебного следствия неоднократно интересовались: а не было ли допущено по отношению к Баходиру каких-либо обид или оскорблений со стороны сослуживцев, товарищей, командиров? Может быть, так называемые неуставные взаимоотношения стали причиной самовольного оставления части?

И всякий раз подсудимый подтверждал то, что было ясно еще в ходе предварительного следствия: он покинул часть без принуждения. Просто попытался уклониться от тягот и лишения обычной солдатской службы, переложив их на плечи своих сверстников - сослуживцев.

В характеристике, представленной суду командованием части, прозвучало немало нелестных для Баходира слов. К своим служебным обязанностям он относился халатно, воинскую специальность освоил плохо. Только возможность заработать легкие деньги волновала его, а к выполнению своего конституционного долга по защите независимости Узбекистана он был равнодушен. Это, кстати, быстро поняли и сослуживцы.

Рядовой Машраб Джураев, подружившийся с Баходиром, даже совершил с ним самовольную отлучку. Но, в отличии от рядового Тухтасинова, сразу осознал неправомерность своего проступка, на другой день вернулся с повинной. Старательным отношением к службе загладил свою вину, отлично действовал на учениях, недавно был поощрен отпуском. Мог бы исправить свою ошибку и Баходир, но вовремя не одумался.

Можно себе представить напряжение в зале, когда в качестве свидетеля по делу был вызван отец подсудимого, служащий сельсовета Кучкар Тухтасинов. Горько было слушать слова отца шестерых детей. Его старший сын Ботир служил отлично, привез со службы почетные грамоты и благодарность командования. Все родственники Тухтасиновых отличались ревностным выполнением воинского долга, каждый может с гордостью рассказывать о своей военной службе.

— Мне по роду работы приходится работать с призывниками и их родителями, — с болью рассказал на суде Кучкар Тухтасинов, — призывать их добросовестно выполнять свой воинский долг. Мог ли я предполагать, что мой собственный сын покинет расположение части?

Нет, не милиция и командование части, а отец Баходира с помощью его сослуживцев, отыскал беглеца и довел до сознания сбившегося с правильного пути юноши всю тяжесть совершаемого им преступления. Почти после пяти месяцев отсутствия рядовой Баходир Тухтасинов сам, добровольно переступил порог контрольно-пропускного пункта родной части.

По мнению представителя обвинения, совершенное Тухтасиновым деяние попадает под действие статьи 234, пункт «б» и предусматривает осуждение на срок от 3 до 7 лет лишения свободы. Учитывая раскаяние подсудимого, он поставил вопрос о наказании в 3 года дисциплинарного батальона.

Мнение адвоката было несколько иным. Гульсара Алтынбекова, согласившись с квалификацией преступления, вместе с тем привела ряд смягчающих вину обстоятельств. Прежде всего то, что подсудимый за время самовольного оставления части не совершил других уголовно наказуемых действий. Он самостоятельно осознал свою вину и добровольно вернулся в часть. Он воспитывался в трудовой семье, не отлынивал до армейской службы от общественно-полезной деятельности и не совершал противоправных поступков. Поэтому его преступление является во многом случайным в его биографии и он не представляет опасности для общества.

О чем совещались в отдельной комнате председатель военного суда Ташкентского гарнизона майор юстиции А. Ибрагимов и народные заседатели рядовые Ф. Тургунов и И. Муминов — судебная тайна.

— Встать! Суд идет! — скомандовал комендант старшина С. Исмаилов, и зал замер в ожидании решения судьбы сослуживца.

Закон строг, но справедлив. И когда нарушивший его гражданин искренне раскается в содеянном, он позволяет учесть это при вынесении приговора. Рядовой Баходир Тухтасинов приговорен к двум годам дисциплинарного батальона.

Не было в зале ни бурной радости, ни горьких слез. Конечно, то, что рядовому Б. Тухтасинову не придется менять военную форму на спецодежду заключенного, порадовало его родственников и друзей. Родина дает ему еще один шанс осознать свой долг и загладить вину перед народом Узбекистана. Но встает закономерный вопрос: почему для осознания самых обычных понятий этому воину надо пройти через дисциплинарный батальон? Неужели понятие о воинском долге не могли внушить Баходиру семья, школа, коллектив колхоза, где он работал, армейское подразделение, где он проходил службу?

Пойдет ли его горький опыт на пользу сослуживцам? Как рассказал после судебного заседания капитан Ф. Шарафутдинов, открытые судебные заседания во многом дисциплинируют людей. Свою роль играют и выступления перед воинами тех солдат, кто отбыл наказание в дисциплинарном батальоне и вернулся в часть. Бесхитростный рассказ бывшего нарушителя, осознавшего свою вину, действует на военнослужащих порой эффективнее многочасовых бесед.

Сила закона не в строгости наказания, а в его неотвратимости. И пусть те, кто помышляет о том, чтобы путем самовольного оставления части уклониться от выполнения своего гражданского и мужского долга защитника Республики Узбекистан, прочитав этот материал с заседания суда, задумаются: а стоит ли менять монолитный строй сослуживцев на скамью подсудимого? Стоит ли ловчить и прятаться, чтобы потом всю жизнь стесняться заглянуть в глаза честным людям?

Рядовому Баходиру Тухтасинову предстоит еще долгая служба, в то время как его товарищи и земляки Кахрамон Маманиязов, Мухамад Ураимов, Талип Тагаев и однофамилец Баходир Тухтасинов уже через несколько месяцев вернутся домой, увозя добрые слова благодарности командиров и сослуживцев. Им нечего стыдиться в своей жизни, они могут с гордостью сказать родным и близким: ваш начал выполнен, мы свой воинский долг выполнили с честью!

Майор В. КАЛОШИН,
корр. «Ватанпарвара».

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ (ЖИНОЯТ КОДЕКСИДАН)

233-МОДДА. ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН КЕТИШ

а) Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчининг қисмдан ёки хизмат жойидан ўзбошимчалик билан кетиши, шунингдек, унинг қисмдан увольнение берилганда, ишга тайинланганда, кўчирилганда, командировкадан, отпускадан ёки даволаш муассасасидан узрли сабабсиз бир суткадан ошиқ, аммо уч суткадан ошиқ бўлмаган вақт давомида ёки бир суткадан кам вақт давомида бўлса ҳам уч ой ичида такроран хизматга вақтида етиб келмаслиги —

уч ойдан икки йилгача муддатга интизом батальонига юбориш билан жазоланади.

б) Шу ҳаракатлар уруш вақтида қилинса, — икки йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

234-МОДДА. ҲАРБИЙ ҚИСМНИ ЕКИ ХИЗМАТ ЖОЙИНИ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ТАШЛАБ КЕТИШ

а) Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчи томонидан қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек унинг ҳарбий қисмдан увольнение берилганда, ишга тайинланганда, кўчирилганда, командировкадан, отпускадан ёки даволаш муассасасидан узрли сабабсиз уч суткадан ошиқ лекин бир ойдан ошмаган вақт давомида хизматга етиб келмаслиги —

бир йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

в) Ушбу модданинг «а» ва «б» бандида кўрсатилган хатти-ҳаракатлар, башарти ўзбошимчалик билан хизматга етиб келмаслик бир ойдан ортиқ давом этса —

уч йиллан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

На снимке: всегда бдителен на посту рядовой Б. Абдукаюмов. Отлично несли службу помогают ему твердое знание требований уставов и законов, высокая личная дисциплинированность.

Фото А. МАНТРОВА.

● К 50-летию ВЕЛИКОЙ ПОБЕДЫ

ПАТРИОТОМ БЫТЬ ОБЯЗАН

В частях и подразделениях развертывается подготовка к славной дате — 50-летию Победы над фашизмом в войне 1941—1945 годов. Потому что это великая дата. Мы все свято чтим память о воинах, сокрушивших фашизм. Память о них священна.

В верности этой памяти, подвигам старшего поколения — наша сила, наша слава и гордость, наш патриотизм, наша любовь к своей независимой Родине. Чувство Родины — самое святое из всех, самое высокое и прекрасное. Оно звало на подвиг наших отцов и дедов. А сегодня оно определяет степень ответственности каждого и за судьбу страны, и за безупречное выполнение своего воинского долга.

Не могу не сказать доброго слова о подразделении, которым командует капитан И. Чеботарев, об офицерах, прапорщиках, сержантах и солдатах — опытных специалистах. Каждого из них отличает упорный воинский труд, стремление внести весомый вклад в укрепление оборонного потенциала своей независимой Родины.

Этот воинский коллектив многонационален. В его составе — узбеки, русские, украинцы, татары... Но не в этом его особенность, а в том, что каждый из них стремится в совершенстве овладеть своей воинской специальностью, быть настоящим мастером своего дела. Это можно сказать о лейтенанте И. Ахмедшине и прапорщике А. Миронове, младшем сержанте Б. Нормातове, рядовых Г. Хасанове, А. Абдукаххарове и других. Их патриотизм — патриотизм созидающий, в его основе — старание, инициатива, добросовестность, настойчивость в боевой учебе и примерность в воинской дисциплине. Хорошо понимают воины, что чем больше они проявят усердия и старания, тем ярче проявятся их качества патриотов своей Родины.

Быть патриотом сегодня — значит утверждать в воинском коллективе отношения дружбы и взаимопонимания, взаимопомощи и поддержки. Не раз слышал от фронтовиков, что именно эти качества явились основой их успехов в боях в суровые военные годы.

К сожалению, встречаются еще и люди равнодушные, допускающие отступления от норм воинской жизни. Им надо помочь осознать свой долг, помочь стать подлинным патриотом своей страны. Ведь, принимая Военную присягу, каждый воин-узбекистанец давал клятву Родине, народу и Президенту служить добросовестно, быть настоящим защитником Отечества. Значит, так оно и должно быть. Армия всегда была школой мужества, нравственности и идейной закалки.

Все дальше уходят в историю суровые годы войны 1941—1945 годов. Но никогда не забудутся подвиги воинов-узбекистанцев, до конца выполнивших свой патриотический и интернациональный долг. И наш долг — умножать боевые традиции, передавать эстафету старших поколений молодым воинам.

Нет, не сегодня я пришел к такому выводу. С душевным трепетом думал я об этом еще тогда, когда только начинал службу и нас, новобранцев, впервые привел в комнату боевой славы старый фронтовик. Он рассказал нам о боевом пути части, а в конце заметил: «Вам, мои сынки, хранить и умножать наши традиции своей безупречной службой, своими ратными достижениями».

Об этом я всегда помню и говорю от имени своих подчиненных: «Мы приумножим традиции фронтовиков, не уроним чести и достоинства воина Вооруженных Сил независимого Узбекистана». Нелегкое это дело — Родину защищать, но почетное.

Старший прапорщик А. АБДУЛФАИЗОВ.

ИЗУЧАЕМ УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК

4-й УРОК — 4-ДАРС

На этом уроке мы выработаем: а) навыки правильного произношения согласного звука Қ; б) познакомимся со способом образования отрицательной формы глагола настояще-будущего времени; в) образованием вопросительной формы настояще-будущего времени: г) со словами и выражениями тематической группы «Времена года, дни — Фасллар, кунлар».

Согласный Қ относится к разряду наиболее трудно произносимых звуков. Этот звук является глубокозаднеязычным (смыкающим) и в отличие от русского К произносится самым корнем языка. При произнесении звука К нужно поднимать кверху самую заднюю часть языка. Эта часть языка (самая задняя) смыкается с маленьким язычком. Например: қаймоқ — сливки, қизил — красный, қор — снег, қоғоз — бумага, қиш — зима.

Для выработки правильного произнесения звука Қ можно пропускать или произносить очень коротко букву И, следующую после Қ, как в словах қиш — зима, қизил — красный, қилмоқ — делать и т. д. Следующий способ выработки навыков правильного произнесения звука Қ — это чтение скороговорок, в словах которых участвует этот звук, типа «Товуқ совуқда совқотадими? Совуқда товуқ совқотадими? (Курица на морозе мерзнет ли? На морозе ли курица мерзнет?). Но самый правильный и верный способ научиться правильно произносить звук Қ — это подражать произношению тех людей, которые в совершенстве владеют узбекским языком.

Задание: прочтите несколько раз вышеприведённую скороговорку, обращая внимание на правильное произнесение звука Қ.

На прошлом уроке мы познакомились со способом образования настояще-будущего времени глагола с помощью аффиксов й, и, а. Теперь рассмотрим, как образуется отрицательная форма настояще-будущего времени. Для этого к основе глагола присоединяется аффикс — ма, затем показатели времени и лица:

Единственное число — Бирлик

лицо (шахс)		основа глагола	аффикс -ма			
1 л.	Мен (Я)	яша	-ма	-й	-ман	яшамайман — я не живу
2 л.	Сен (Ты)	яша	-ма	-й	-сан	яшамайсан — ты не живешь
3 л.	У (Он, Она)	яша	-ма	-й	-ди	яшамайди он(а) не живет

Множественное число — Кўплик

1 л.	Биз (Мы)	яша	-ма	-й	-миз	яшамаймиз — мы не живем
2 л.	Сиз (Вы)	яша	-ма	-й	-сиз	яшамайсиз — вы не живете
3 л.	Улар (Они)	яша	-ма	-й	-ди(лар)	яшамайди(лар) — они не живут

Задание: заполните таблицу, используя уже известные вам слова.

Положительная форма	Отрицательная форма
Единственное число — Бирлик	
1 л. Мен Тошкентда яшайман (Я живу в Ташкенте)	Мен Тошкентда яшамайман (Я не живу в Ташкенте)
2 л.	
3 л.	
Множественное число — Кўплик	
1 л. Биз Тошкентда яшаймиз (Мы живем в Ташкенте)	Биз Тошкентда яшамаймиз (Мы не живем в Ташкенте)
2 л.	
3 л.	

Вопросительная форма настояще-будущего времени образуется с помощью аффикса -ми, который ставится после показателя лица:

Единственное число — Бирлик

лицо (шахс)		основа глагола	аффикс -ма	личные аффиксы	аффикс -ми	
1 л.	Мен(Я)	яша	-й	-ман	-ми	яшайманми? — я живу ли?
2 л.	Сен (Ты)	яша	-й	-сан	-ми	яшайсанми? — ты живешь ли?
3 л.	У (Он, Она)	яша	-й	-ди	-ми	яшайдими? — он(а) живет ли?

Множественное число — Кўплик

1 л.	Биз (Мы)	яша	-й	-миз	-ми	яшаймизми? — мы живем ли?
2 л.	Сиз (Вы)	яша	-й	-сиз	-ми	яшайсизми? — вы живете ли?
3 л.	Улар (Они)	яша	-й	-ди(лар)	-ми	яшайди(лар)ми? они живут ли?

Примеры: Мен Тошкентда яшайманми? — Я буду ли жить в Ташкенте? — Сен Тошкентда яшайсанми? — Ты будешь ли жить в Ташкенте? — У Тошкентда яшайдими? — Он(а) живет ли в Ташкенте? — Биз Тошкентда яшаймизми? — Мы живем ли в Ташкенте? — Сиз Тошкентда яшайсизми? — Вы живете ли в Ташкенте? — Улар Тошкентда яшайди(лар)ми? — Они в Ташкенте ли живут?

При отрицательной форме настояще-будущего времени аффикс -ми тоже ставится после показателя лица.

Единственное число — Бирлик

1. л. Яша+ма+й+ман+ми? — Не живу ли?
2. л. Яша+ма+й+сан+ми? — Не живешь ли?
3 л. Яша+ма+й+ди+ми? — Не живёт ли?

Множественное число — Кўплик

1 л. Яша+ма+й+миз+ми? — Не живём ли?
2 л. Яша+ма+й+сиз+ми? — Не живёте ли?
3 л. Яша+ма+й+ди(лар)+ми? — Не живут ли?

Теперь познакомимся со словами и выражениями, обозначающими времена года и дни недели:

год — йил
времена года — фасл
сезон — мавсум
месяц — ой
неделя — ҳафта
день — кун
весна — баҳор
лето — ёз
осень — куз
зима — қиш
сегодня — бугун
завтра — эртага
вчера — кеча
столетие — юз йиллик
понедельник — душанба
вторник — сешанба
среда — чоршанба
четверг — пайшанба
пятница — жума
суббота — шанба
воскресенье — якшанба
сейчас — ҳозир
какой — қайси, қандай
век — аср

Сейчас какое время года? — Сейчас весна.

Ҳозир йилнинг қайси фасли? — Ҳозир баҳор.

Сегодня какой день? — Сегодня суббота.

Бугун қандай кун? — Бугун шанба.

Задание: используя вышеприведенные слова, переведите на русский язык следующие предложения:

Сиз шанба куни ишлайсизми?
Йўқ, мен шанба куни ишламайман.

Сиз эртага Москвага борасизми?
Йўқ, мен эртага Москвага бормайман.

Сиз Москвада яшайсизми?
Йўқ, мен Москвада яшамайман.

Э. ГАЙИБНАЗАРОВ, доцент.

● «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» ТУРНИРИ АРАФАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК ТЕННИС САРОЙИГА ЭГА БЎЛАДИ

ТЕЛЕМИНОРА ЕНИДА ҚУРИЛАЁТГАН «ЎЗБЕКСАВДО» ТЕННИС КОРТИ ИНШООТИДАН РЕПОРТАЖ

Республикамиз спортидаги йирик воқеа — «Президент кубоги» учун теннис бўйича халқаро турнир очиладиган кун яқинлашган сари унга тайёргарлик ишлари ҳам тобора қизғин тус олянти. Маълумки, бу турнир май ойининг охири ва июнь ойининг бошида пойтахтимизда янги қад кўтараётган «Ўзбексавдо» теннис кортида ўтказилади. Хўш, бу турнир ўтказиладиган «Ўзбексавдо» теннис мажмуи қурилиши қандай олиб борилянти?

Телеминора Тошкент шаҳрининг сув сатҳига нисбатан энг юқори нуқтасида жойлашган. Бу ерда яна бир ажойиб иншоот — теннис саройи ва комплекси қад ростлаянти. Шуни аввалдан таъкидлаш жоизки, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, барча қулайликларга эга бундай йирик теннис саройи МДҲ ҳудудида ягонадир.

«Ўзбексавдо» давлат акционерлик ассоциациясининг буюртмаси билан бунёд этилаётган бу иншоотда ҳозиргача 6,5 миллиард сўмликдан ортиқ ишлар бажарилди. «Тошкентқурилиш» давлат корпорацияси ва «Ўзмахсусмонтаж» уюшмаси, «Узпромтехгазмонтаж», «Сантехгазмонтаж», «Узпромвентиляция», «Узэлектромонтаж» трестлари билан бирга 2—3 сменада ишлаянти. Меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида қурувчиларга қатор қулайликлар яратилган.

«Ўзбексавдо» давлат акционерлик ассоциациясининг аъзоси Тўлқин Исроилов бизни теннис саройининг «Гипроторг» институти архитекторлари ишлаб чиққан лойиҳаси ва тарзи билан таништирди. Сўнгра бизни бўлажак муҳташам саройнинг олд томонига бошлади. Ташқи кўринишидан иншоот унча катта эмасдек таассурот уйғотади. Лекин иншоотнинг ичкарисига киргач, бу ерда жуда катта кўламдаги ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Қишки теннис саройи кираверишдаги анчагина кенг фойедан бошланади. Фойенинг монтаж ишлари деярли ниҳоясига етказилган. Фақат пардозлаш ишлари қолибди.

Фойедан теннис кортлари учун мўлжалланган иккита залга ўтиш мумкин. Бу залларда бир йўла ҳам, монтаж, ҳам таъмир, ҳам пардозлаш ишлари олиб борилянти. Деворлар гипс ва ганч аралашмаси ҳамда олий навли мармарлар билан чиройли безатилмоқда. Томошабинлар учун жой ҳозирлаб бўлинган. Фақат «Совпластитал» қўшма корхонаси махсус ўриндиқларни ўрнатса бас. Кортларга «Бальзам» фирмасининг мовий ва яшил рангли махсус қопламалари тўшалар экан. Залларнинг шифти кўзни қамаштирувчи чиннилар билан таъмирлана бошланган. Ҳамроҳимизнинг айтишича, яна ўн кундан сўнг бу кортлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади.

Шундан сўнг зиналар бўйлаб иккинчи қаватга кўтарилдик. Бу ерда ҳам қурилишнинг икки-уч жараёни бир йўла олиб борилмоқда. Журналистлар, радио ва «ойнаи жаҳон» ходимлари учун мўлжалланган хоналардан биринчи қаватдаги кортларнинг барча нуқтаси яқол кўзга ташланади. Бу хоналарнинг деворлари шовқин ютгич махсус қопламалар билан пардозланган. Компьютер, факс, телефакс, телефон ва бошқа алоқа боғловчи ускуналар ўрнатилса, бу хоналардан дунёнинг барча бурчаги билан алоқа қилиш мумкин бўлади. Шунингдек, иккинчи қаватдаги кичик буфет, дам олиш, фахрий меҳмонлар, турнир ҳакамлари учун мўлжалланган хоналарда ҳам таъмирлаш ва монтаж ишлари ниҳоясига етказилиб, пардозловчиларга топширилаянти. Иншоотнинг устки қисмидан миллий меъморчилик намунаси — гумбаз ўрин олади. У Исроилдан келтирилган махсус чинни безаклар билан қопланади.

Иккинчи қаватдаги махсус хоналардан туриб, ёзги теннис кортидаги учрашувларнинг борилишини ҳам бемалол кузатса бўлади. Ёзги теннис кортининг шарқий ва ғарбий томонида 3000 томошабин учун мўлжалланган жой тайёрланмоқда.

«Президент кубоги» учун халқаро турнирнинг асосий мусобақалари мана шу ёзги кортда ўтказилади. Ушбу асосий ёзги ва иккита қишки кортдан ташқари яна 5 та очиқ теннис кортлари тайёрланади. Умуман, бу ерда катта теннис ва спорт мажмуи бунёд этиляпти.

Тўлқин Исроилов ҳамроҳлигида қишки теннис саройининг ертўла қисмига тушдик. Машғулотлар ва умумжисмоний тайёргарлик ўтказиладиган заллар, сауна, бар, дам олиш хоналари ҳам ишчилар билан гавжум. Бутун иншоот хоналарининг ҳавосини алмаштириб турувчи ускуналар айнан шу ерда ўрнатиляпти. Улар машғулотлар давомида ва умуман кортлардаги шарҳловчилар, дам олиш хоналаридаги ҳамда кафе, бар, ошхоналардаги ҳаво мўътадиллигини таъминлаб туриш имконини беради.

Хуллас, «Президент кубоги» халқаро турнирининг юксак даражада ўтказилиши учун бу ерда барча қулайликлар яратиляпти. Иншоотнинг ўз вақтида ишга тушурилиши учун, айниқса, «Тошкентқурилиш» давлат корпорациясига қарашли 12-Қурилиш трестининг Раудит Хатмуллин, Анвар Шоносиров, Бронислав Ким бошчилигидаги бригадалари, шу давлат корпорациясига қарашли пардоз трестининг Карим Ҳамидов бригадаси, «Ўзмахсусмонтаж» уюшмасига қарашли Шамил Муллагалиев бошчилик қилаётган бригада аъзолари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

— Қурилишни ўз вақтида якунлаб, фойдаланишга топширамиз, бунинг учун бор имкониятларни ишга соляпмиз, — дейди Тўлқин Исроилов. — Насиб этса, Ўзбекистон ҳавас қилса арзигулик спорт иншоотига эга бўлади.

Улкан қурилиш майдонидаги шовқин-суронлардан узоқлашар эканмиз, Тўлқин аканинг сўнгги сўзлари қулоқларимиз остида ҳамон жаранглаб турарди. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон яқин кунларда ҳавас қилса арзигулик теннис саройига эга бўлади.

Расул ЖУМАЕВ.



● СВЕТ И ТЕПЛО ОЧАГОВ КУЛЬТУРЫ

ВЕРНЫЙ ПОМОЩНИК

В гарнизоне, где служит офицер И. Стрекозин, рассказывая о жизни воинов, упомянули о библиотеке. И посоветовали: будет свободное время — заходите.

И вот я в библиотеке. Чисто, уютно. Аккуратно подшиты, по-хозяйски разложены на столах газеты, журналы. На полках в ровных рядах застыли книги. Искусной резьбой по дереву выполнены портреты Навои, Бабура.

— Это работа нашего бывшего киномеханика рядового Н. Хамраева, — пояснила мне заведующая библиотекой С. Леонидова. — Он сейчас уволился в запас. Уехал человек и хорошую память о себе оставил.

«Конечно, — подумалось мне, — видно, что в этой библиотеке немало внимания уделяется интерьеру. Но что в этом удивительного? Доводилось мне видеть библиотеки, оформленные и более красочно. Эта по сравнению с ними заметно скромнее. Есть в ней, безусловно, все необходимое для того, чтобы подготовиться, скажем, к занятиям по общественно-политической подготовке, расширить свой культурный, технический кругозор или просто провести с пользой время за читкой периодических изданий. Но ведь такие же условия можно найти и в любой другой библиотеке».

И только позднее, знакомясь с людьми этого гарнизона, постигая их дела, понял: многое хорошее, доброе, интересное, встретившееся мне, невидимыми, но прочными нитями связано с библиотекой.

Так, здесь служат и воины-ремонтники. Немало среди них высококвалифицированных специалистов, настоящих мастеров своего дела. Недаром их уважительно называют докторами машин. Подразделение успешно решает сложные и ответственные задачи, главная из которых — ремонт техники. Отремонтированную технику ждут на трассе, объектах учебно-практических работ, в поле. И воины-ремонтники прилагают все силы для того, чтобы качественно и в срок выполнить поставленную задачу.

Много похвальных слов можно сказать в адрес младшего сержанта Р. Каримова, рядовых Э. Муталова, С. Нишанова, Г. Саидкасымова, которые являются передовиками своего дела, опытными специалистами. Поинтересовался, как они проводят свое свободное время, и выяснил: в библиотеке. Что помогло им добиться значительных успехов? Ответ прост: книги.

В библиотеке можно найти учебники, наставления, методички и книги по многим воинским специальностям, многие из них на узбекском языке. Радиотелеграфист рядовой Радик Байрамов уверенно ориентируется среди книжных полок. Завсегдатай уже хорошо знает, где именно находится нужная ему специальная литература. Радик делает выписки из периодических изданий, постоянно следит за техническими новинками.

Найдутся в библиотеке книги, нужные и слесарю-сборщику рядовому В. Салиеву, и крановщику рядовому Р. Саманову. Эти воины служат недавно. И библиотека с первых дней службы стала их надежным помощником.

Или взять, к примеру, рядового М. Искандерова. В подразделении о нем отзываются, как об активисте, который может вдохновить сослуживцев на достойные дела и личным примером, и призывным словом. А ведь его эрудиция, начитанность, грамотность и в вопросах воинской специальности, и в вопросах политики не с неба свалились. Каждую свободную минуту солдат стремится проводить в библиотеке. Упорно занимается над собой, повышая свой уровень.

Мне удалось обнаружить интересную взаимосвязь. В группах занятий по общественно-политической подготовке, где руководители являются частыми гостями библиотеки, успеваемость, как правило, выше. Приведу в пример капитана А. Джурабекова. Рабочий день его насыщен, но вечером он всегда находит время заглянуть в библиотеку. Посидел с полчасика над какой-нибудь статьей, осмыслил прочитанное, и на следующий день занятия прошли, как всегда, на высоком уровне. Любовь к книге капитан сумел привить и своим подчиненным. Активными читателями библиотеки стали сержант А. Эркабаев, младшие сержанты Н. Туйчиев, Х. Исмаилов и многие другие. В своих ответах они могут глубоко раскрыть тот или иной вопрос, сослаться на интересные факты, подсказанные книгами.

А вот в группах общественно-политической подготовки, где руководители П. Горохов и Ю. Александров, дела обстоят хуже. Причина, на мой взгляд, и в том, что этих военнослужащих редко можно встретить в библиотеке.

...Не случайно торопятся вечерами люди в библиотеку. Большую и плодотворную работу проводят члены совета библиотеки рядовой А. Халилов, прапорщик В. Родимченко, лейтенант В. Кравцов и другие для того, чтобы она была не книгохранилищем, а очагом культуры. Немало интересных мероприятий проводится здесь по информации о решениях нашего правительства. Регулярно пополняются фонды мемуарной, художественной литературой, есть новинки и в области науки и техники. Доброй традицией стало организовывать в начале каждого месяца выставку-витрину новых поступлений.

Старший лейтенант Т. АБДУСАЛИДОВ.

ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТИ

Республикада 2000-йилга бориб олтин саралаш ҳажми икки баравар оширилиши, катта заҳирага эга бўлган фосфоритни қайта ишлаш йўлга қўйилиши лозим. Шу мақсадда Учқудуқда учинчи, Зарафшонда 2-Гидрометаллургия заводлари қурилиши тобора авж олдирилмоқда. Қизилқумда «Фосфорит қурилиш» бошқармаси ташкил этилди.

Учқудуқдаги 3-Гидрометаллургия заводи қурилишини лойиҳалаш сакононичи йилларнинг бошларида тугалланган эди. Бирок айни қайта қуриш даврида бу иш ташлаб қўйилди. Ҳозир бу ерда дастлабки тегирмонларни ишга туширишга чоралари кўрилмоқда. Республика корхоналари иншоот учун зарур қурилиш материаллари, ускуна ва жиҳозларни ўз вақтида етказиб бермоқда.

Қизилқум бағрида яна бир йирик корхона — фосфорит комбинати қуриляпти. Уни бунёд этишга еттита йирик қурилиш ташкилоти жалб этилган. Корхона 1996 йилда дастлабки маҳсулот — фосфоритни ишлаб чиқара бошлайди.

(ЎзА).

СИРАЖДИНОВ Бурхан Хасанович

Скоропостижно, на 77-м году жизни, скончался председатель Республиканского комитета ветеранов войны и Вооруженных Сил, член Президиума Совета Союза ветеранских организаций Республики Узбекистан, генерал-лейтенант в отставке Сираждинов Бурхан Хасанович.

Вся жизнь Б. Х. Сираждинова прошла в самоотверженном ратном труде служения Родине как ее верного сына и патриота.

С самого начала и до конца войны 1941—1945 годов он принимал непосредственное участие в боях с фашистскими захватчиками, прошел трудными дорогами войны от Москвы до Калининграда, проявляя доблесть, мужество и отвагу, участвовал в сражениях за освобождение от коричневой чумы белорусских и польских земель.

В послевоенные годы, после окончания Военного института, Б. Х. Сираждинов в течение ряда лет возглавлял республиканский штаб противовоздушной обороны. Более 20 лет командовал соединением внутренних войск. Много сил и энергии Б. Х. Сираждинов отдал подготовке и воспитанию военных кадров, продолжительное время был начальником Центральных курсов внутренних войск.

Последние годы Б. Х. Сираждинов активно участвовал в ветеранском движении, проводил большую работу по военно-патриотическому воспитанию подрастающего поколения.

За безупречное выполнение воинского долга Б. Х. Сираждинов был награжден многими боевыми и трудовыми орденами и медалями. Он удостоен почетного звания «Заслуженный наставник молодежи Республики Узбекистан».

Светлая память о замечательном, чутком и скромном человеке, патриоте своей Родины, активном общественном деятеле Б. Х. Сираждинове навсегда сохранится в наших сердцах.

КАРИМОВ И. А., ХАЛИЛОВ Э. Х., МУТАЛОВ А. М., ДЖУРАБЕКОВ И. Х., АЛИМОВ Т. А., УМУРЗАКОВ М. Б., КАРАБАЕВ М. К., АХМЕДОВ Р. У., АЛМАТОВ З. А., АЛИЕВ Г. А., РАХИМОВ Б. Р., АХУНДЖАНОВ С. С., ШЕВЕЛЕВ П. Ф., СТРЕЛЬЦОВ Г. П., БУЛЫЧЕВ С. Н., АЛИМОВ А. П.

● ВНИМАНИЮ ЛЮБИТЕЛЕЙ ФУТБОЛА

Приглашаем на стадион МХСК (ЦСКА) (ст. метро «Мирзо-Улугбек»).

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТУРНИР

13 апреля 1994 года. Встреча сборных команд Туркменистана и Казахстана.

Начало матча в 16.00.
Билеты продаются в кассах стадиона.

СИРОЖДИНОВ БУРҲОН ҲАСАНОВИЧ

1994 йил 10 апрелда фахрийлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилоти Қуролли Кучлар Иттифоқи Кенгаши Раиси, 1941—1945 йиллардаги урушнинг фаол иштирокчиси, истеъфодаги генерал-лейтенант

СИРОЖДИНОВ Бурҳон Ҳасанович

77 ёшида вафот этди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марҳумнинг оиласи, қариндошлари ва яқинларига чуқур ва самимий ҳамдардлик билдиради.

И. о. редактора
И. К. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: 700031 ТАШКЕНТ, ул. САПЁРНАЯ, 21 НОМЕРА ТЕЛЕФОНЫ

Зам. редактора — 56-17-98; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы: воинской службы и воспитательной работы — 69-35-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49, массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.
Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0142.